2. С даты вступления в силу настоящего Соглашения прекращает свое действие Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Болгария о торговом и экономическом сотрудничестве, подписанное 24 июня 1998 года.

3. Настоящее Соглашение заключается на неопределенный срок.

4. Любая из Договаривающихся Сторон может прекратить действие настоящего Соглашения посредством письменного уведомления другой Договаривающейся Стороны. Действие Соглашения прекращается с первого дня шестого месяца, следующего после даты получения уведомления от другой Договаривающейся Стороны.

В УДОСТОВЕРЕНИЕ ЧЕГО, нижеподписавшиеся, соответствующим образом уполномоченные своими Правительствами, подписали настоящее Соглашение.

СОВЕРШЕНО в городе Ташкенте 4 апреля 2007 года в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском, болгарском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

В случае расхождений в толковании положений настоящего Соглашения, Договаривающиеся Стороны будут руководствоваться текстом на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Украина Ҳукумати
ўртасида эркин савдо тўғрисида 1994 йил 29 декабрдаги
Битимга ўзгартиш ва тўлдиришлар киритиш тўғрисида
БАЁННОМА**

Тошкент, 2004 йил 25 июнь

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2007 йил 29 мартдаги ПҚ-611-сон* Қарори билан тасдиқланган*

*(2007 йил 3 апрелдан кучга кирган)***

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Украина Вазирлар Маҳкамаси, бундан кейин «Ахдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар,

икки мамлакат ўртасида эркин савдо принципи асосида ҳамкорликни муваффақиятли кенгайтириш учун мустақкам шартнома—ҳуқуқий асосни яратишга қаратилган чоралар муҳимлигини эътироф этиб,

шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Украина Ҳукумати ўртасида эркин савдо тўғрисида 1994 йил 29 декабрдаги Битимнинг (бундан кейин — Битим) 1-моддасига мувофиқ,

қуйидагилар тўғрисида ахдлашиб олдилар:

1-модда

Битимнинг 4-моддаси асосида Ахдлашувчи Томонларнинг, ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида давлат тартибот чораларини умум қабул қилинган халқаро тажрибада бир томонлама қўллаш тартибига бўлган ҳуқуқларига қаршилиқ қилмай, Ахдлашувчи Томонлар:

1) Битимнинг 1-модда 1-бандида «ушбу савдо режимидан келишилган номенклатура бўйича товарларни олиб ташлаш ушбу Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ҳужжатлар билан расмийлаштирилади» сўзлари олиб ташланади;

2) Битимнинг 1-модда 2-бандининг амал қилиши тўхтатилади ва эркин савдо режимидан олиб қўйиш тўғрисида 1997 йил 18 апрелдаги Битимнинг Баённомасидаги хатти-ҳаракатлар бекор қилинади.

2-модда

Ушбу Баённома Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва иккала Ахдлашувчи Томон унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганликлари тўғрисида хабарнома алмашинган санадан бошлаб кучга киради.

Тошкент шаҳрида 2004 йил 25 июнда, икки асл нусхада, ўзбек, украин ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Баённоманинг қоидаларини талқин қилиш мақсадида рус тилидаги матндан фойдаланилади.

(имзолар)

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 14-сон, 137-модда.

** Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг ички процедураларини бажарганлиги тўғрисида маълумот билан 2007 йил 3 апрелдаги 05/7608-сонли нотаси.

ПРОТОКОЛ
о внесении изменений и дополнений в Соглашение между
Правительством Республики Узбекистан и Правительством
Украины о свободной торговле от 24 декабря 1994 года

Ташкент, 25 июня 2004 г.

Утвержден Постановлением Президента Республики Узбекистан
*от 29 марта 2007 года № ПП-611**

*(Вступил в силу 3 апреля 2007 года)***

Правительство Республики Узбекистан и Кабинет Министров Украины, именуемые далее «Договаривающиеся Стороны»,

признавая важность мер, направленных на создание прочной договорно-правовой основы для успешного расширения сотрудничества между двумя странами на основе принципа свободной торговли,

а также в соответствии со Статьей 1 Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Украины о свободной торговле от 29 декабря 1994 года (далее — Соглашение),

согласились о нижеследующем:

Статья 1

Не препятствуя праву Договаривающихся Сторон на основании Статьи 4 Соглашения в одностороннем порядке принимать общепринятые в международной практике меры государственного регулирования в области внешнеэкономических связей, Договаривающиеся Стороны:

1) в пункте 1 Статьи 1 Соглашения исключают слова «Исключения из данного торгового режима по согласованной номенклатуре товаров оформляются документами, являющимися неотъемлемой частью настоящего Соглашения»;

2) прекращают действие пункта 2 Статьи 1 Соглашения и отменяют действие Протокола об изъятиях из режима свободной торговли от 18 апреля 1997 года к Соглашению.

Статья 2

Настоящий Протокол является неотъемлемой частью Соглашения и вступает в силу с даты обмена уведомлениями о выполнении обеими Договаривающимися Сторонами всех необходимых для этого внутригосударственных процедур.

Совершено в г. Ташкенте 25 июня 2004 года в двух подлинных экземплярах на узбекском, украинском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

Для целей толкования положений настоящего Протокола используется текст на русском языке.

(подписи)

* Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2007 г., № 14, ст. 137.

** Нота МИД Республики Узбекистан от 3 апреля 2007 года № 05/7608 с информацией о выполнении внутригосударственных процедур.

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан
Миср Араб Республикаси Ҳукумати ўртасида ахборот
соҳасида ҳамкорлик тўғрисида
БАЁННОМА***

Тошкент, 2007 йил 18 апрель

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Миср Араб Республикаси Ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Миср Араб Республикаси Ҳукумати ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисида 2003 йил 6 ноябрда имзоланган Битимга асосланиб,

Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш,

икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришни истаб, Ўзбекистон ва Миср халқлари ўртасидаги ўзаро англашувни мустаҳкамлашда оммавий-ахборот воситаларининг аҳамиятига ишонч билдириб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Дастурлар айирбошлаш

Томонлар ўз телетомошабинларини икки мамлакатнинг ижтимоий, маданий, диний ва иқтисодий соҳадаги ҳаёти билан таништириш мақсадида ўзаро радио ва телевидение дастурлари, шу жумладан, болалар учун дастурлар билан айирбошлашни қўллаб-қувватлайдилар.

2-модда

Томонлар икки мамлакат Миллий байрамлари ва тантаналари муносабати билан ўзаро радио ва телевизион дастурлар айирбошлашни қўллаб-қувватлайдилар.

Айирбошланадиган дастурлар эфирга узатишдан камида 20 кун илгари жўнатилиши лозим.

3-модда

Ҳар бир Томон айирбошланган дастурлардан ушбу дастурларнинг асл маъносини ўзгартирмасдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ушбу дастурлар бепул айирбошланади.

Жўнатувчи Томон айирбошланган дастурларнинг муаллифлик ҳуқуқини иккала давлатнинг миллий тартиб-қоидаларига мувофиқ таъминлайди.

Бир Томон дастурларининг мазмуни бошқа Томон давлатининг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги лозим.

Томонлар розилигисиз айирбошланган дастурларни учинчи томонга бериш ёки тижорат мақсадида фойдаланиш тақиқланади.

4-модда

Йўлдошли алоқа каналлари

Томонлар йўлдошли алоқа каналлари орқали тўғридан-тўғри ёки олдиндан ёзиб олинган дастурларни қабул қилишда ўзаро ҳамкорлик қиладилар.

* Имзоланган кундан кучга кирган.

Томонлар Миллий байрамлар ва муҳим тантаналар муносабати билан ўзаро тўғридан-тўғри телевизион хабарлар билан алмашишда бир-бирларига ёрдам берадилар.

Томонлар «Asia Sat 2» Ернинг сунъий йўлдоши орқали Миср йўлдошли алоқа каналлари кўрсатувларини қабул қилишни қўллаб-қувватлайдилар.

5-модда

Тижорат асосида ҳамкорлик ва қўшма ишлаб чиқариш

Томонлар телевизион дастурларни тижорат асосида айирбошлашни қўллаб-қувватлайдилар.

Томонлар ваколатли ташкилотлари ўртасидаги махсус шартномалар асосида ҳамкорликда теледастурлар яратишни қўллаб-қувватлайдилар ва ривожлантирадилар.

Томонлар ўзаро келишув асосида бир-бирларини архив видеоматериаллари билан ўзларининг миллий қонун ҳужжатлари доирасида таъминлайдилар.

6-модда

Ташрифлар ва малака ошириш

Томонлар фикр алмашиш ва ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида икки мамлакат оммавий ахборот воситалари раҳбарларининг ўзаро ташрифларини қўллаб-қувватлайдилар.

Жўнатувчи Томон сафарга бориш-келиш харажатларини ва кутиб олувчи Томон меҳмонхона ва мамлакат ичидаги транспорт харажатларини кўтаради. Сафар муддати олдиндан келишиб олинади.

Томонлар бошқа томоннинг расмий ижодий гуруҳларига ёрдам берадилар. Бундай ёрдамнинг шартлари ҳар бир ҳолда Томонлар томонидан алоҳида кўриб чиқилади.

Томонлар икки мамлакатдаги жорий малака ошириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланишни қўллаб-қувватлайдилар.

7-модда

Ахборот марказлари

Томонлар Тошкентда Яқин Шарқ ахборот агентлигининг (MENA) ваколатхонасини ва Қоҳирада Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг ваколатхонасини очишни қўллаб-қувватлайдилар.

Томонлар икки мамлакат матбуот институтлари ўртасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар.

8-модда

Ахборот ҳафталиклари ва кўргазмалар

Томонлар турли соҳадаги муваффақиятларини ёритиб берувчи нашрлар, бадий кўргазмалар ва ҳужжатли фильмлар ёрдамида икки мамлакат халқларини бири-бирига кенг ва чуқурроқ таништириш мақсадида ахборот ҳафталикларини ўтказишни қўллаб-қувватлайдилар.

Томонлар ваколатли ташкилотлари ўртасида келишувлар асосида иккала мамлакатда маълум муддатларда Ўзбекистон ва Миср фильмлари ҳафталикларини ўтказадилар.

Томонлар икки мамлакат ҳаётининг турли соҳаларини ёритувчи маданий ва ахборот кўргазмаларини ташкил этишни қўллаб-қувватлайдилар.

9-модда

Томонлар ўз имкониятлари доирасида икки мамлакатда ўтказиладиган телевизион конкурслар, фестиваллар ва маданий кўргазмаларда иштирок этадилар. Батафсил маълумотлар дипломатик каналлар орқали келишилади.

10-модда

Ушбу Баённоманинг қоидаларини қўллаш ва талқин қилишда юзага келадиган низо ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасида маслаҳатлашув ва музокаралар орқали ҳал этилади.

Ушбу Баённома имзоланган кундан кучга киради ва уч йил муддатда амал қилади ҳамда Томонлардан бири унинг амал қилинишини тўхтатиш нияти тўғрисида бошқа Томонни навбатдаги муддат тугашидан уч ой илгари ёзма равишда хабардор қилмаса, кейинги уч йиллик даврларга ўз-ўзидан узайтирилади.

Томонлар ушбу Баённомага ўзаро ёзма келишуви асосида зарур қўшимча ва ўзгартиришлар киритишлари мумкин.

Қоҳира шаҳрида 2007 йил 18 апрелда икки асл нусхада ҳар бири ўзбек, араб ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Ушбу Баённома қоидаларини талқин этишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда инглиз тилидаги матнга амал қилинади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги билан Миср Араб Республикаси Спорт миллий
кенгаши ўртасида спорт соҳасида ҳамкорлик тўғрисида
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ***

Тошкент, 2007 йил 18 апрель

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Миср Араб Республикаси Спорт миллий кенгаши, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқаларини мастаҳкамлаш ҳамда икки мамлакатнинг спорт соҳасидаги алоқаларини ривожлантириш мақсадида,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Томонлар турли махсус ўйинларда мураббийлар алмашинувини қўллаб-қувватлайди.

2-модда

Томонлар спортни ривожлантириш дастурлари бўйича икки томон етакчилари ўртасида бир ҳафталик тажриба алмашишни қўллаб-қувватлайди.

* Имзоланган кундан кучга кирган.

3-модда

Томонлар спортни ривожлантириш дастурлари доирасида ўтказиладиган лойиҳалар, дастурларда иштирок этиш учун делегациялар алмашинувини маъқуллайди.

4-модда

Томонлар спорт соҳасига тегишли бўлган замонавий илмий усуллар билан таништирилади ҳамда спортни амалда қўллаш билан боғлиқ бўлган экспертларнинг ташрифлари билан алмашинадилар.

5-модда

Томонлар миллий терма жамоаларининг ўзаро ташрифлари алмашинувини қўллаб-қувватлайдилар, шу билан биргаликда, ўқув-семинарлари ва расмий мусобақалар билан алмашиниб, муайян федерациялар томонидан ташкил этиладиган ўқув-машғулот йиғинларида қатнашадилар.

6-модда

Молиявий шартлар икки давлатнинг спорт соҳасидаги дастурига таянган ҳолда келишилади ва шу дастурга асосланиб ваколатли органлар томонидан мажбуриятларнинг ижро этилиши бошланадиган сана белгиланади.

7-модда

Ушбу Англашув Меморандуми имзоланган кундан кучга кириди ва беш йил муддатга тузилади ҳамда Томонларнинг бирортаси Англашув Меморандумининг амал қилиш муддати тугашидан олти ой олдин уни бекор қилиш нияти тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда хабардор этмаса, мазкур Англашув Меморандумининг амал қилиш муддати ўз-ўзидан яна беш йилга узайтирилади.

Қоҳира шаҳрида 2007 йил 18 апрелда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, араб ва инглиз тилларида имзоланди. Бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Ушбу Англашув Меморандуми қоидалрини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда, инглиз тилидаги матндан фойдаланилади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва
сертификатлаштириш агентлиги билан Миср Араб
Республикаси Стандартлаштириш ва сифат ташкилоти
ўртасида ҳамкорлик тўғрисида
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ***

Тошкент, 2007 йил 18 апрель

Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Миср Араб Республикаси Стандартлаштириш ва сифат ташкилоти, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланиб, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш истагида, савдо ҳамда sanoatдаги тўсиқларни бартараф этиш мақсадида;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизликнинг муҳимлигини англаб;

икки Томоннинг иқтисодий манфаатларига амал қилиб;

икки мамлакатнинг қонун ҳужжатлари доирасида;

қуйидагилар тўғрисида ахдлашиб олдилар:

1-модда

Томонлар, мазкур Англашув Меморандуми ва ўз давлатлари қонун ҳужжатларига асосан, қуйидагилар назарда тутилган қўшимча битим, баённома ва дастурлардан келиб чиқиб стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш ҳамда аккредитация соҳасида ҳамкорлик қилишга ахдлашиб олдилар:

— миллий стандартларни, савдодаги тўсиқларни бартараф этишга қўмаклашиш, шунингдек илмий ва техникавий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида мўлжалланган халқаро нормалар билан уйғунлаштириш;

— Томонларнинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича илмий ва тадқиқот институтлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қўмаклашиш;

— давлатлараро етказиб берилаётган маҳсулотга меъёрий ҳужжатларни уйғунлаштириш бўйича биргаликда фаолият кўрсатиш;

— метрология бўйича Миллий идора томонидан бажарилган ўлчов воситаларининг синов натижалари ва аккредитация қилинган калибрлаш лабораторияларда бажарилган калибрлаш натижаларини ўзаро эътироф этиш;

— физик катталиклар учун миллий ва ишчи эталонларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва солиштириш бўйича биргаликда фаолият кўрсатиш;

— мувофиқликни баҳолаш натижаларини ўзаро тан олиш бўйича фаолиятни амалга ошириш.

2-модда

Томонлар, меъёрий ҳужжатлар, даврий нашрлар, миллий стандартлар идоралари томонидан нашр этилган ахборотларни,

миллий стандартлар каталоглари ва миллий стандартларни ишлаб чиқиш меъёрларини ва услубларини,

сертификатлаштириш ва аккредитациялаш бўйича умумий ахборот ва нашрларни,

* Имзоланган кундан кучга кирган.

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида мутахассисларни ўқитиш ва малакасини ошириш дастури бўйича маълумот ҳамда материалларни ўзаро алмашишга аҳдлашиб олдилар.

3-модда

Маҳсулотни сертификатлаштириш ва сифат тизимини жорий этиш бўйича биргаликда фаолият кўрсатиш мақсадида, Томонлар тарафидан ўзаро тан олинган процедураларга асосан уларнинг мамлакатларида амал қилаётган, мажбурий сертификатлаштириш лозим бўлган маҳсулотлар рўйхати тўғрисида, Томонлар бир-бирларини ўз вақтида хабардор қиладилар.

4-модда

Томонларнинг импорт маҳсулотларига сертификатлар беришга асос бўладиган синов ишлари Томонларнинг миллий аккредитациялаш тизимларида халқаро стандартлар талабларига мувофиқ аккредитация қилинган синов лабораторияларида ўтказилади.

5-модда

Агар маълумот бераётган Томон, ҳужжат ва маълумот махфийлиги тўғрисида огоҳлантирса, ушбу Англашув Меморандуми доирасида Томонлар олинаётган ҳужжат ҳамда маълумотларнинг махфийлигини таъминлайдилар.

Агар махфийлик бошқа Томондан белгиланмаган бўлса, ҳар бир Томон ҳамкорлик қилиш натижасида олинаётган илмий ва техникавий маълумотдан эркин фойдаланиши мумкин. Ушбу маълумот фақат уни бераётган Томоннинг розилиги билан учинчи томонга берилиши мумкин.

Махфий маълумот, Томонларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Томонларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этилади.

6-модда

Томонлар стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича турли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қиладилар, Томонлардан бири аъзоси ҳисобланадиган халқаро ташкилотларда қатнашиш ёки уларга аъзо бўлишда бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар.

7-модда

Томонлар, стандартлаштириш соҳасида ўзларининг вазиятларини бирлаштириш ва иккала Томоннинг халқаро фаолиятдаги ролини ошириш учун ISO ва IEC халқаро ташкилотлар доирасида яқин муносабатда ишлашга аҳдлашиб олдилар.

8-модда

Томонлар стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида тажриба алмашиш мақсадида маслаҳат бериш ва ўқитиш бўйича мутахассислардан иборат делегациялар ҳамда мутахассислар алмашинувини ташкил қиладилар.

9-модда

Мазкур Англашув Меморандумида ифодаланганларни қўллаш ва талқин қилишда келишмовчиликлар ўзаро маслаҳатлашув ва музокаралар орқали ҳал қилинади.

10-модда

Томонларнинг ўзаро келишувларига кўра мазкур Англашув Меморандумига, алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартириш ва тўлдиришлар киритилиши мумкин.

Ушбу баённомалар Англашув Меморандумининг ажралмас қисми ҳисобланади ва унинг 13-моддасига асосан кучга киради.

11-модда

Мазкур Англашув Меморандуми, учинчи мамлакатларнинг Томонлари имзолаган стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги бошқа битимларга дахл қилмайди.

12-модда

Мазкур Англашув Меморандумини бажаришнинг молиявий шартлари, Томонларнинг ўзаро келишувларига кўра амалга оширилади.

13-модда

Мазкур Англашув Меморандуми имзолаган кундан бошлаб кучга киради. Ушбу Англашув Меморандуми беш йил муддатга тузилади ва Томонлардан бири ёзма равишда унинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида ўз нияти ҳақида бошқа Томонни хабардор қилмагунига қадар ўз-ўзидан кейинги бир йиллик муддатга узаяверади. Бундай хабарнома мазкур Англашув Меморандумининг амал қилиш муддати тугашидан камида 6 (олти) ой илгари юборилади.

Қоҳира шаҳрида 2007 йил 18 апрелда, икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, араб ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Англашув Меморандуми қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келганда, инглиз тилидаги матн асос сифатида қабул қилинади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан
Миср Араб Республикаси Марказий банки ўртасида
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ***

Тошкент, 2007 йил 18 апрель

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Миср Араб Республикаси Марказий банки, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар, тенг, барқарор ва узоқ муддатли иккиёқлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш манфаатини кўзлаб, молиявий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг зарурлигини тан олган ҳолда,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

* Имзоланган кундан кучга кирган.

1-модда

Томонлар монетар, валюта сиёсати, шунингдек банк тизими, банкларни тартибга солиш ва назорат қилиш масалалари бўйича очиқ ва ишончли фикр алмашишда иштирок этадилар.

2-модда

Томонлар иккала мамлакатда банк фаолиятини ривожлантириш мақсадида давлатларнинг миллий қонунчилиги доирасида узвий ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳаракат қиладилар.

3-модда

Томонлар иккала мамлакатда барқарор ўсишни таъминлаш мақсадида пул-кредит ва валюта сиёсати масалалари бўйича иккиёқлама мулоқотга, иккала мамлакатда ишончли банк тизимини таъминлашга қўмаклашадиган банк иши фаолияти, халқаро банк пруденциаллиги тамойилларининг бажарилиши, шунингдек банкларни тартибга солиш ва консолидациялашган назорат қилиш бўйича фикр алмашишга, иккала Марказий банк ўртасида ходимлар тажрибаси билан ўзаро алмашиш, ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш соҳасида ҳамкорликни ўрнатишга келишиб олдилар.

4-модда

Томонлар алмашадиган ахборот махфий ҳисобланади ва ушбу Меморандумни амалга ошириш мақсадида ишлатилади.

Томонлар ушбу Меморандум доирасида олинган ахборотни бошқа Томоннинг ёзма розилигисиз учинчи томонга бермайдилар.

5-модда

Ушбу Меморандум қоидаларини бажариш ва талқин қилиш билан боғлиқ низо ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасида музокаралар ва маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал қилинади.

6-модда

Томонларнинг келишуви асосида ушбу Меморандумга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин, улар алоҳида баённомалар билан расмийлаштирилади ва ушбу Меморандумнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7-модда

Ушбу Меморандум имзоланган санадан кучга киради ва икки йил давомида амал қилади. Томонлардан биронтаси ушбу Меморандумнинг навбатдаги амал қилиш муддати тугашидан қаида уч ой олдин унинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда хабардор қилмаса, у бир йиллик муддатга ўз-ўзидан узаяверади.

Қоҳира шаҳрида 2007 йил 18 апрелда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, араб ва инглиз тилларида тузилди. Барча матнлар бир хил кучга эга. Ушбу Меморандум қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Беларусь
Республикаси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикаси
билан Беларусь Республикаси ўртасида икки томонлама
ҳамкорлик бўйича Қўшма Ҳукуматлараро комиссия
тузиш тўғрисида
БИТИМ**

Тошкент, 2007 йил 24 май

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Беларусь Республикаси Ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчи, икки давлат ўртасида дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш мақсадида, 1991 йил 6 ноябрда Тошкентда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномага амал қилиб, тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро манфаатдорлик тамойиллари ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга интилиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича Қўшма Ҳукуматлараро комиссия тузадилар (бундан кейин — Комиссия).

2-модда

Комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга қўмаклашиш; савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ва тамойилларини амалга оширилиши жараёнини таҳлил қилиш;

Томонлар давлатларининг ваколатли органларига савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар ҳамкорликни такомиллаштириш, ривожлантириш ва самарадорлигини янада ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва тақдим этиш;

савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар ҳамкорликни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасида тузилган халқаро шартномалар ва бошқа икки томонлама келишувлар, шу жумладан Комиссия йиғилишида қабул қилинган қарорлар бажарилишини мониторинг қилиш;

икки давлат ҳукуматларига икки томонлама муносабатлар ривожини оптималлаш бўйича таклифлар киритиш;

савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар ҳамкорлик дастурларини тайёрлаш ва келишиш, ва шунингдек уларни амалга ошириш бўйича келишилган чоратадбирлар ишлаб чиқиш.

Комиссия ушбу Битим қоидаларига мувофиқ ўз регламентини ва иш дастурини белгилайди.

* Имзоланган кундан кучга кирган.

3-модда

Комиссия икки миллий қисмдан — Ўзбекистон қисми ва Беларусь қисмидан иборат бўлади.

Комиссияга Ўзбекистон ва Беларусь қисмлари раислари бошчилик қиладилар. Комиссия миллий қисмлари раислари ва таркибларини Томонлар ўз давлатлари қонунчилигига мувофиқ тасдиқлайдилар.

Комиссия ҳар бир Томондан тенг миқдордаги аъзолардан иборат бўлади.

4-модда

Комиссия ўз йиғилишларини иш дастурига мувофиқ миллий қисмлар раислари ўртасида келишилган ҳолда йилига камида бир марта ўтказади.

Комиссия йиғилишлари навбати билан ҳар бир томон давлати ҳудудида ўтказилади, шу билан бирга йиғилиш қайси давлат ҳудудида ўтказиладиган бўлса, ўша миллий қисм Раиси йиғилишга раислик қилади.

Комиссиянинг навбатдаги йиғилиши кун тартиби Комиссиянинг навбатдаги йиғилишидан кечи билан бир ой илгари Томонлар ўртасида келишилади.

Зарурият бўлганда Комиссиянинг миллий қисмлари раислари, ўзаро келишиб, навбатдан ташқари йиғилишларни, миллий қисмлари раисларининг ишчи учрашувларини ўтказишлари мумкин.

Томонлар Комиссия йиғилиши ўтказиш тўғрисида ва Комиссия миллий қисмлари раисларининг учрашувлари тўғрисида ҳар бир ҳолат юзасидан алоҳида қарор қабул қилади.

Комиссия йиғилишига ҳар бир Томон керакли сонда мутахассислар ёки экспертларни таклиф қилиши мумкин. Комиссия миллий қисмлари раисларининг ўзаро келишуви асосида йиғилиш бошланишида кун тартибига киритилган масалалар ҳам йиғилишда кўриб чиқилиши мумкин.

5-модда

Комиссия қарорлари консенсус асосида қабул қилинади ва Комиссия йиғилиши баённомаси имзоланган санадан бошлаб кучга киради. Томонларнинг давлат ҳукуматлари маъқуллашини талаб қилувчи қарорлар, уларнинг маъқуллангани тўғрисида Томонлар хабарнома олган санадан бошлаб кучга киради.

Комиссия қарорлари Томонлар давлатларида ўрнатилган тартибга мувофиқ бажарилади.

Комиссия йиғилишлари ва унинг ҳужжатларини тайёрлаш рус тилида олиб борилади.

6-модда

Комиссия ўз вазифаларини бажариш мақсадида, зарурият туғилганда, кичик комиссиялар ва ишчи гуруҳлар тузиши мумкин. Бундай органларнинг вазифалари, ваколатлари ва таркибини Комиссия белгилайди.

7-модда

Комиссия миллий қисмларининг ҳар бири масъул котиб тайинлайди, бу котиб Комиссия миллий қисмлари ишчи гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштиришни, йиғилишга материаллар тайёрлашни таъминлайди ва шунингдек ташкилий хусусиятга эга бўлган бошқа вазифаларни бажаради.

Бундай вазифаларни бажариш учун масъул котиблар ўзаро доимий алоқада бўладилар.

8-модда

Комиссия ва ишчи гуруҳларнинг йиғилишлари билан боғлиқ харажатларни қайси Томон давлати ҳудудида йиғилиш ўтказилса, ўша Томон қоплайди.

Ҳар қайси Томон Комиссия йиғилишлари иштирокчилари учун харажатларнинг ўз қисмини қоплайди.

9-модда

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда ёки қўллашда юзага келадиган мунозарали масалалар Томонлар ўртасида маслаҳатлашувлар ва музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

10-модда

Томонларнинг ўзаро розилиги билан ушбу Битимга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин, улар алоҳида баённомалар билан расмийлаштирилади ва ушбу Битимнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

11-модда

Ушбу Битим имзоланган санадан бошлаб кучга киради ва беш йил давомида амал қилади. Агар Томонлардан бирортаси бошқа Томонни навбатдаги муддат тугашидан кечи билан олти ой илгари унинг амалини тўхтатиш тўғрисида ниятини ёзма равишда хабардор қилмаса, беш йиллик муддат тамом бўлгандан кейин Битим келгуси беш йиллик муддатларга ўз-ўзидан узаяверади.

Тошкент шаҳрида 2007 йил 24 майда, икки нусхада, ҳар бири ўзбек, белорус ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда рус тилидаги матн қўлланади.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ*
между Правительством Республики Узбекистан и
Правительством Республики Беларусь о создании
Совместной межправительственной комиссии по двустороннему
сотрудничеству между Республикой Узбекистан и
Республикой Беларусь

Ташкент, 24 мая 2007 г.

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Республики Беларусь, далее именуемые Сторонами,

в целях дальнейшего укрепления дружественных отношений между двумя государствами,

руководствуясь Договором об основах межгосударственных отношений между Республикой Узбекистан и Республикой Беларусь, подписанным в Ташкенте 6 ноября 1991 года,

стремясь к развитию торгово-экономического, научно-технического и гуманитарного сотрудничества на основе принципов равноправия, взаимной выгоды и норм международного права,

согласились о нижеследующем:

Статья 1

Стороны создают Совместную межправительственную комиссию по двустороннему сотрудничеству между Республикой Узбекистан и Республикой Беларусь, далее — Комиссия.

Статья 2

Основными задачами Комиссии являются:

содействие развитию торгово-экономического, научно-технического и гуманитарного сотрудничества между Республикой Узбекистан и Республикой Беларусь; анализ хода реализации основных направлений и принципов торгово-экономического, научно-технического и гуманитарного сотрудничества;

выработка и предоставление компетентным органам государств Сторон рекомендаций по усовершенствованию, развитию и дальнейшему повышению эффективности торгово-экономического, научно-технического и гуманитарного сотрудничества;

рассмотрение иных вопросов, связанных с осуществлением торгово-экономического, научно-технического и гуманитарного сотрудничества;

мониторинг хода выполнения международных договоров, заключенных между Республикой Узбекистан и Республикой Беларусь, и иных двухсторонних договоров, включая решения, принятые на заседаниях Комиссии;

внесение в правительства двух государств предложений по оптимизации развития двусторонних отношений;

подготовка и согласование программ торгово-экономического, научно-технического и гуманитарного сотрудничества, а также разработка согласованных мер по их осуществлению.

* Вступило в силу со дня подписания.

Комиссия определяет свой регламент и программу работ в соответствии с положениями настоящего Соглашения.

Статья 3

Комиссия состоит из двух национальных частей — Узбекской части и Белорусской части.

Комиссия возглавляется председателями Узбекской и Белорусской частей. Председатели и составы национальных частей Комиссии утверждаются Сторонами в соответствии с законодательством их государств.

Комиссия состоит из равного количества членов от каждой Стороны.

Статья 4

Комиссия проводит свои заседания в соответствии с планом работы по согласованию между председателями национальных частей не реже одного раза в год.

Заседания Комиссии проводятся поочередно на территории государства каждой Стороны, причем на заседании председательствует Председатель той национальной части, на территории государства которой проводится заседание.

Повестка дня очередного заседания Комиссии предварительно согласовывается Сторонами не позже, чем за месяц до очередного заседания Комиссии.

В случае необходимости по взаимной договоренности председатели национальных частей Комиссии могут созывать внеочередные заседания, проводить рабочие встречи председателей национальных частей Комиссии.

Решения о проведении заседания Комиссии и о встречах председателей национальных частей Комиссии принимаются Сторонами в каждом конкретном случае.

На заседание Комиссии каждая Сторона может пригласить необходимое количество специалистов либо экспертов. На заседании могут быть также рассмотрены вопросы, которые на основании взаимного согласия председателей национальных частей Комиссии будут внесены в повестку дня в начале заседания.

Статья 5

Решения Комиссии принимаются на основе консенсуса и вступают в силу с даты подписания протокола заседания Комиссии. Решения, по которым требуется одобрение правительств государств Сторон, вступают в силу с даты получения письменного уведомления Сторонами об их одобрении.

Решения Комиссии выполняются в соответствии с процедурами, установленными в каждом из государств Сторон.

Заседания Комиссии и подготовка ее документов ведутся на русском языке.

Статья 6

В целях выполнения своих задач Комиссия, в случае необходимости, может создавать подкомиссии и рабочие группы. Задачи, полномочия и состав таких органов определяются Комиссией.

Статья 7

Каждая из национальных частей Комиссии назначает ответственного секретаря, который обеспечивает координацию деятельности рабочих органов национальной части Комиссии, подготовку материалов к заседанию, а также исполняет иные функции организационного характера,

Для выполнения таких функций ответственные секретари поддерживают между собой постоянную связь.

Статья 8

Расходы, связанные с заседаниями Комиссии и рабочих групп, несет Сторона, на территории государства которой проводится заседание.

Расходы участников заседаний Комиссии несет каждая Сторона в своей части.

Статья 9

Спорные вопросы, возникающие при толковании или применении положений настоящего Соглашения, будут разрешаться путем консультаций и переговоров между Сторонами.

Статья 10

По взаимному согласию Сторон в настоящее Соглашение могут вноситься изменения и дополнения, которые оформляются отдельными протоколами, являющимися неотъемлемой частью настоящего Соглашения.

Статья 11

Настоящее Соглашение вступает в силу с даты его подписания и будет действовать в течение пяти лет. По истечении пятилетнего срока оно автоматически продлевается на следующие пятилетние сроки при условии, что ни одна из Сторон в письменной форме не уведомит другую Сторону, не позднее чем за шесть месяцев до истечения очередного срока о намерении прекратить его действие.

Совершено в городе Ташкенте 24 мая 2007 года, в двух экземплярах, каждый на узбекском, белорусском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

Для целей толкования положений настоящего Соглашения используется текст на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Беларусь
Республикаси Ҳукумати ўртасида солиқ қонунчилигига
риоя этиш масалаларида ҳамкорлик қилиш ва ўзаро
ёрдам кўрсатиш тўғрисида
БИТИМ***

Тошкент, 2007 йил 24 май

Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси Ҳукумати, бундан буён «Томонлар» деб аталувчилар,
икки томонлама ҳамкорлик ва солиқ қонунчилигига риоя этиш масалаларида ўзаро ёрдам кўрсатишнинг муҳимлигидан келиб чиқиб,
бир-бирларига имкон қадар кенг кўламда кўмак кўрсатиш мақсадида,
қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

**1-модда
Атамаларни аниқлаш**

Ушбу Битим мақсадлари учун қўлланиладиган атамалар қуйидагиларни англатади:

«солиқ қонунчилиги» — Томонлар давлати ўртасида солиқларнинг турларини ва уларни ундириш тартибини белгиловчи ҳамда солиқ мажбуриятларини пайдо бўлиши, ўзгариши ва тўхтатилиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар мажмуаси;

«солиқ қонунчилигининг бузилиши» — солиқ тўловчи томонидан бюджет олдига мажбуриятларнинг бажарилмаслигида ёхуд лозим даражада бажарилмаслигида ифодаланган ва юридик жавобгарлик белгиланган ҳуқуққа зид ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

«ваколатли солиқ идоралари»:

Ўзбекистон Республикасига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси;

Беларусь Республикасига нисбатан — Беларусь Республикаси Солиқлар ва йиғимлар вазирлиги;

«сўраётган ваколатли солиқ идораси» — Томоннинг солиқ сўровлари бўйича ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўров юборувчи ваколатли солиқ идораси (қуйида «кўмаклашиш тўғрисидаги сўров» деб аталади);

«сўралаётган ваколатли солиқ идораси» — Томоннинг кўмаклашиш тўғрисидаги сўровини олувчи ваколатли солиқ идораси.

Агарда ваколатли солиқ идораларининг расмий номланиши ўзгарган тақдирда Томонлар бу тўғрида бир-бирларига ёзма равишда дипломатик каналлар орқали хабар берадилар.

**2-модда
Битим қўлланиладиган соҳа**

Томонлар ваколатли солиқ идоралари орқали солиқ қонунчилигини зарур даражада бажарилишини таъминлаш мақсадида, бир-бирларига қуйидаги масалаларда ўзаро кўмак кўрсатадилар:

солиқ қонунчилигининг бузилишини олдини олиш ва уни бартараф этишда;

* Имзоланган кундан кучга кирган.

қўмаклашиш тўғрисидаги сўров бўйича ёки ташаббус кўрсатиш тартибида юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилиши юзасидан ахборотларни тақдим этишда;

миллий солиқ тизимлари ва солиқ қонунчилигидаги жорий ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишда;

солиқ идоралари ишини таъминловчи компьютер тизимларини яратиш ва ишлатишда;

солиқ тўловчилар ва солиқ идоралари билан ишларни ташкил этиш, жумладан солиқ қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқишда;

кадрларни ўқитиш ва мутахассисларни айирбошлаш соҳасида;

биргаликдаги ҳаракатларни талаб этувчи бошқа масалалар бўйича.

Ушбу Битим қоидалари Томонлар ўртасида тузилган бошқа битимларга мувофиқ ваколатли солиқ идораларининг ҳамкорлигига тўсқинлик қилмайди.

3-модда

Тақдим этиладиган маълумотнинг мазмуни

Ваколатли солиқ идоралари ўз ташаббуси ёки қўмак кўрсатиш тўғрисидаги сўров бўйича ўз ваколати ва ўз давлати қонунчилиги доирасида бир-бирларига қуйидагиларга оид маълумотларни тақдим этадилар:

ташкilotлар, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналарини рўйхатга олиш, жумладан жойлашган жойи, бўйсунуши, мулк шакли ва бошқалар;

Томонларнинг миллий қонунчиликларида ўрнатилган тартибда юридик ва жисмоний шахслар томонидан давлат ва тижорат банкларида ҳисоб рақамларининг очилиши, шунингдек уларда пул маблағларининг мавжудлиги ва айланиши;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳудудида Томон ҳудудида олган барча турдаги даромадлари ва солиққа тортиш объектлари, тўланган солиқ суммалари ва бошқа солиққа тортиш билан боғлиқ масалалар.

4-модда

Ҳужжат ва бошқа материалларни тақдим этиш

Сўралаётган ваколатли солиқ идораси қўмаклашиш тўғрисидаги сўровга асосан, норматив ҳужжатларни, ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхаларини ва бошқа материалларни тақдим этади.

Нусхалар расмий мансабдор шахснинг имзоси ва сўралаётган ваколатли солиқ идорасининг муҳри билан тасдиқланади.

Тасдиқланган нусхалар текширув учун етарли бўлмаган ҳолларда ҳужжат ва бошқа материалларнинг асл нусхалари талаб қилиниши мумкин. Берилаётган ҳужжат ва бошқа материалларнинг асл нусхалари келишилган муддатларда қайтарилиши лозим.

Материаллар компьютерлаштирилган маълумот кўринишида ушбу материалларни шарҳлаш учун зарур бўлган қўшимча маълумотлар билан бирга берилиши мумкин.

5-модда

Қўмак кўрсатиш тўғрисидаги сўровнинг шакли ва мазмуни

Қўмак кўрсатиш тўғрисидаги сўров ёзма шаклда унинг кўриб чиқилиши учун зарур бўлган ҳужжатлар илова қилинган ҳолда юборилади. Фавқулодда вазиятда

кўмак кўрсатиш тўғрисидаги сўров оғзаки шаклда ва кейинчалик имкон қадар қисқа муддатларда ёзма шаклда тасдиқланган ҳолда берилиши мумкин.

Кўмак кўрсатиш тўғрисидаги сўров ўз ичига қуйидагиларни олиши керак:

сўраётган ваколатли солиқ идорасининг номи;

сўралаётган ваколатли солиқ идорасининг номи;

сўровнинг мақсади ва сабаби;

берилаётган сўровдаги солиқ тўловчининг номи (исми) ва манзили;

сўровнинг моҳияти ва кўриб чиқиладиган давр ва солиқларнинг аниқ турлари кўрсатилган ҳолда у билан боғлиқ юридик ҳолатларнинг қисқача баёни.

Сўров рус тилида берилиши лозим.

Сўралаётган ваколатли идорага кўмаклашиш тўғрисидаги келиб тушган сўров бўйича қўшимча маълумот талаб қилишга ҳақлидир.

6-модда

Кўмак кўрсатиш тўғрисидаги сўровни ижро этиш тартиби

Томонларнинг ваколатли солиқ идоралари бир-бирларига ушбу Битим ва миллий қонунчиликка мувофиқ кўмак кўрсатадилар.

Сўраётган ваколатли солиқ идораси унинг илтимосига кўра, кўмаклашиш тўғрисидаги сўров ижро этиладиган ҳаракат вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиниши, унинг вакиллари бу тўғрисида қўшимча равишда келишилган ҳолда улар ўтказилишида иштирок этишлари мумкин.

Агар кўмаклашиш тўғрисидаги сўровни сўралаётган солиқ идораси томонидан бажариш мумкин бўлмаса, у сўров келган кундан бошлаб 1 ой давомида бу ҳақида кўмаклашиш тўғрисидаги сўровни бажарилмаслигининг сабабларини кўрсатган ҳолда сўраётган ваколатли солиқ идорасини ёзма равишда хабардор қилади.

